

АДАБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТЕХНОЛОГИЯЛАШТИРИШ ВА БАДИЙ-ЭСТЕТИК ТАФАККУР МУАММОЛАРИ

Сафо Матчонов

ТВЧДПИ Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси
профессори, п. ф. д.

Аннотация: Ушбу мақолада узлуксиз таълим тизимида ўқувчиларнинг бадиий-эстетик тафаккури ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришда адабий таълим интеграцияси ҳамда уни технологиялаштириш муаммолари хусусида сўз юритилади.

Калим сўзлар: тафаккур қудрати, Ҳаракатлар стратегияси, фанлар интеграцияси, таълим методикаси, таълим технологияси, Адабий таълим жараёни, кафолатланган натижа.

Буюк юнон мутафаккири Аристотель “Метафизика” асарини “Барча инсонлар табиатан билимга интиладилар” сўзлари билан бошлайди. “Китоб ўқимаслик ва фикр юритмаслик ҳалокатга олиб боради”. “Энг ақлли ва энг аҳмоқ одамларгина фикрини ўзгартирмайди”, деб ёзади Конфуций. “Ўзимдаги барча яхши хислатлар учун китобдан миннатдорман” деб таъкидлайди Максим Горький.

Мазкур кўчирмалар тафаккур қудрати инсон маънавий камолотида нечоғли муҳим ўрин тутишини кўрсатиб турибди. Узлуксиз таълим тизимида диққат марказида тутиладиган интеллектуал салоҳият оиладан бошланадиган бадиий-эстетик тафаккур тарбиясидан озикланиши адабий таълим жараёнини технологиялаштиришнинг ғоятда кенг қамровлигидан далолат беради.

Инсон эркинлиги ва мустақиллигини бош масала деб ҳисобловчи экзистенциализм оқимининг асосчиси, немис файласуфи Мартин Хайдегернинг фикрича, тушунишни талаб қиладиган нарса фикрлашга, тафаккур юритишга ундайди. Тафаккур замирида эса тасаввур туради. Тасаввур фикр орқали ўз ифодасини топади.

Шундай экан, илм-фан, техника юксак тараққиёт босқичига кўтарилган ҳозирги даврда глобаллашув шароитида сўз санъатининг туб моҳиятини англашга даъват қилинган, инсон тафаккури ва тасаввурини маънавий-руҳий озиклантирувчи адабий таълимга муносабат соҳа мутахассисларини ҳам, тил ва адабиёт ўқитувчиларини ҳам қизиқтириши табиийдир.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси тараққиётининг 2017-2021-йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожланган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга

ёшларни тарбиялаш... ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини кўллаб-қувватлаш” вазифасининг қўйилиши, Республикамиз Президенти Ш. Мирзиёевнинг ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда “маданият соҳасида жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшларимизни ҳақиқий санъатни англашга ўргатиш, уларнинг эстетик оламини соғлом асосда шакллантириш бўйича олдимизда муҳим вазифалар”¹ турганлигига эътибор қаратиш таълим тизимини технологиялаштириш билан боғлиқ муаммонинг давлат сиёсати даражасига дахлдорлигига далолатдир.

Илм-фан ва ижтимоий жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида таълим тизимидаги аллақачон ўз даврини ўтаб бўлган анъанавий усулларда мазкур вазифалар ижросини амалга ошириб бўлмаслиги барчага аён бўлиб қолди. Узлуксиз таълимнинг бошқа соҳаларида бўлгани каби адабий таълим жараёнини технологиялаштирашдан туриб бирон бир самарага эришиб бўлмаслиги ҳаётнинг ўзида исботини топиб турибди.

Илмий-қомусий адабиётларда “технология” тушунчасига маълум мақсадга эришишга доир усуллар мажмуаси, фаолиятда қўлланадиган усуллар, фаолиятни ташкил этиш қондаси каби турлича қарашлар мавжуд. Жумладан, “Энциклопедик луғат”да “Халқ хўжалигининг турли соҳаларида хом ашё, материал, ярим фабрикат ёки маҳсулотларни тайёрлаш ҳамда уларни қайта ишлаш усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган фан” деб таъриф берилган.

Муаммонинг тарихига назар ташланса, унинг юзага келишига илмий-техник тараққиёт натижасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар билан уларнинг яратилишига сифат жиҳатдан янгича ёндашувлар сабаб бўлганига доир хулосага келиш мумкин. Бу борада ўтган асрнинг 70-йилларида пахта чигитини экишга доир “Андижон технологияси” атамасининг кенг миқёсда қўлланилини эслаш кифоя. Ҳозирги илмий-техник тараққиёт даврида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан бундан олдин ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифатида катта фарқ борлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ижтимоий тараққиётни илм-фан ривожисиз, олий маълумотли мутахассислар фаолиятисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шунга кўра, талабаларнинг тезкор замонавий ахборот оқимини ўзлаштириши, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш малакалари, индивидуал ва мустақил ишлаш кўникмаларини ривожлантириш олий таълим тизими олдидаги ғоят долзарб масалалардандир. Негаки ишлаб чиқариш шароитининг ўзгариши билан анъанавий таълим асосида тайёрланган мутахассислар сифати, билими, кўникма ва малакалари даражаси уларга қўйиладиган талабларга жавоб

¹ Ш.М.Мирзиёев. «Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир». Ўз АС, 2017 йил 4 август.

беролмаслиги табиий ҳолдир. Бинобарин, илмий-техник тараққиётнинг ҳозирги жадаллашуви шароитида унинг тобора юксалиб боровчи талабларига жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлаш ўқитишни жадаллаштириш, кўргазмали ўқитиш методларидан ўринли ва унумли фойдаланишни тақозо этади.

Сўнгги йилларда ўқитишни жадаллаштириш юзасидан таълим фанлари интеграциясига доир талай ишлар амалга оширилаётганлиги маълум. Биргина гуманитар фанлар таълимида она тили, болалар адабиёти ва фольклорнинг битта ўқув курси тарзида умумлаштирилиши ўзини қай даражада оқлайди? Гап шундаки, уларни битта ўқитувчининг ўқитиши назарда тутилса, муаммонинг қай даражада зиддиятли эканини англаш қийин кечмайди.

Аслида бундай ўқув фанлари аро интеграцияга илгари ҳам ҳаракат қилинган. Жумладан, 1919 йилда 7 йиллик мактаблар учун яратилиган дастурда барча фанлар ижтимоий фанлар, табиий фанлар, аниқ фанлар тарзида 4та курс доирасида умумлаштирилгани маълум. Ижтимоий тараққиёт билан боғлиқ таълим тизимини технологиялаштириш ғояси дастлаб Америка Қўшма Штатлари ва Ғарбий Европа мамлакатларида ўртага ташланган бўлса, ўтган давр мобайнида унга турли жиҳатдан ёндашилди. Ривожланган мамлакатларда шахснинг ижтимоийлашуви назарда тутилган таълим технологияси мисолида таълимни инсонпарварлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўпчилик ҳолларда **метод, методика, технология, педагогик технология** синоним атамалар сифатида ёнма-ён ишлатилса-да, таълим технологияси маъносини қамраб ололмайди. Улардан **таълим методи** ўқув жараёнида қўйилган вазифаларнинг ўқитувчи ва ўқувчи ҳамкорлигидаги ечими усулини англатса, **таълим методикаси** муайян ўқув фанини ўқитишнинг илмий-методик жиҳатдан асосланган метод, усул ва услуби мажмуини ифода этади. **Таълим технологияси** эса олдиндан лойиҳалаштирилган таълимий жараёнда яхлит тизим асосида босқичма-босқич аниқ мақсадга қафолатланган натижага эришиш кўзда тутилган метод, усул ва воситалар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда улардан фойдаланиш жараёнини бошқаришни билдиради.


Таълим технологияси – инг. таълим жараёнини санъат даражасида юксак маҳорат билан ташкил этишга доир маълумотларга оид таълимот маъносини англатади. У амалиётга татбиқ қилинадиган педагогик тизим лойиҳаси сифатида илмийлик, амалийлик, тавсифийлик ва тизимлилик хусусиятига эга.


Педагогик технология маълум вақтга мўлжалланган дастур бўйича тузилган лойиҳа асосида ташкил этиладиган, аниқ мақсадга йўналтирилган ҳамда ушбу мақсаднинг натижаланиши кафолатланган, илмий жиҳатдан асосланган тизимдир.

Таълим тизимидаги ҳар қандай ўқув фанида бўлгани сингари адабиёт ўқитиш методикаси ривожда ҳам жамият тараққиёти муҳим ўрин тутди. Шу жиҳатдан қараганда Республика Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Таълим сифатини назорат қилиш тизimini такомиллаштириш бўйича кўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4119-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “ёшлар ўртасида китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини юксалтириш, фарзандларимизнинг интеллектуал салоҳияти, адабий-бадиий савиясини ошириш”га доир фармойиши адабиёт ўқитиш методикасининг бугунги аҳволи хусусида жиддий бош қотиришни тақозо этади. Жамият ўзгармоқда, ҳаётга бўлган муносабат ўзгармоқда. Интернет тармоғининг чуқур илдиз отиши, ахборот оқимининг узлуксиз ўса бориши таълим-тарбия тизimini технологиялаштириш ор ўзгармоқда, ҳаётга бўлган муносабат ўзгармоқда. Интернет тармоғининг чуқур илдиз отиши, ахборот оқимининг узлуксиз ўса бориши таълим-тарбия тизimini технологиялаштириш орқали янгича ёндашишни кун тартибига қўймоқда.

Педагогик таълим олувчи талабанинг шахсини ривожлантириш орқали таълим мақсадига эришишни назарда тутар экан, шу жараёнда ўзлаштириладиган билим ва кўникмалар даражаси ҳамда талабаларнинг қизиқиши ва фаоллигига таянади. Кўринадики, ушбу жараёндаги талаба фаолияти унинг шахс сифатидаги ривожланишининг асосий субстанцияси ҳисобланади.

Адабий таълим жараёнини технологиялаштиришда ортиқча руҳий ва жисмоний куч, шунингдек, ортиқча вақт сарф этмасдан, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш, талабаларда тегишли даражада билим, кўникма ва малака ҳосил қилиш назарда тутилади.





Шу жараёнда педагогик фаолият самарадорлиги ортади, ўқитувчи ва талабалар ҳамкорлиги қарор топади, мустақил ижодий фикрлаш кўникма-малакалари шаклланади, талабаларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқаришларига доир шарт-шароитлар яратилади, фан бўйича пухта билим олиш таъминланади.

Сўнгги йилларда таълим жараёнида талабаларнинг фаоллигини ошириш, таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи технологияларни қўллаш юзасидан катта тажриба тўпланди. “Ақлий ҳужум”, “6х6”, “Кластер”, “Қарорлар шажараси”, “Қор қути”, “Юмалоқланган қор”, “Зиг-заг”, “Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим”, “Вен диаграммаси”, “Инсерт” методлари шулар жумласидандир.

Шу ўринда адабий таълим жараёнини технологиялаштиришнинг назарий асослари нималардан иборат ва у талабаларнинг бадиий-эстетик тафаккурини ривожлантиришда қандай аҳамият касб этади деган ҳақли савол туғилади. Бизнингча, бунинг талай сабаблари бор.

Ижтимоий жамият тараққиётнинг тезкор суръати, ахборот кўламининг муттасил орта бориши, бадиий ижодиётда дунёни англаш ва тушунишга бўлган муносабатнинг ўзгариши, адабиётшуносликда бадиий асарлар таҳлили ва талқинига янгича ёндашувларнинг юзага келиши адабий таълим жараёнига эски қолипдаги анъанавий таълимдан воз кечиш заруриятини тақозо этмоқда.

Адабий таълим жараёнини технологиялаштириш таълимга тизимли ёндашиш, ташхислаш, лойиҳалаш, ҳамкорликда фаолият кўрсатиш, ўз нуктаи назарини асослаш, ютуқ ва камчиликлари сабабини англаш, тегишли хулоса чиқариш имконини беради.

Хулоса қилганда, технология таълим олувчиларнинг қизиқиши, маънавий эҳтиёжи ва техник имкониятлардан фойдаланган ҳолда олдиндан лойиҳалаштирилиб кафолатланган натижага эришишга йўналтирилган ўқитувчи ва ўқувчиларнинг амалий фаолияти сифатида бадиий-эстетик тафаккур тарбиясига хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир”. Ўз АС, 2017 йил 4 август.
2. Ишмухамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008.
3. Чориев А., Чориев И. Педагогиканинг методологик асоси ва илмий тадқиқот методлари. – Т.: “Nishon noshir”. 2016.